

«Respublika ko'p tarmoqli agrosanoat
birjasi» aksiyadorlik jamiyati
aksiyadorlar umumiy yig'iliшининг
2024 йил "23" октябрдаги қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI AGROSANOAT BIRJASI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI USTABI

(янги тахрирда)

Мазкур устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти, “Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, ва акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасида муносабатларни, ҳамда акциядорлик жамияти шаклидаги биржа фаолияти жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

1. Асосий қондалар.

1.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Давлат тилида: «Respublika ko'p tarmoqli agrosanoat birjasi» aksiyadorlik jamiyati;

Қискартирилган фирма номи - «RKTASB» AJ.

рус тилида: акционерное общество «Республиканская универсальная агропромышленная биржа».

Қискартирилган фирма номи: АО «РУАПБ».

1.2. Жамият жойлашган манзил (почта манзили):

Ўзбекистон Республикаси. 100022, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.

Электрон почта манзили: info@exchange.uz, веб сайт: www.exchange.uz.

1.3. Қуйида Биржа деб номланадиган «Respublika ko'p tarmoqli agrosanoat birjasi» акциядорлик жамияти «Respublika ko'p tarmoqli agrosanoat birjasi» масъулияти чекланган жамияти иштирокчиларининг 30 октябрь 2014 йилдаги қарорига асосан (30.10.2014 йилдаги баённома) «Respublika ko'p tarmoqli agrosanoat birjasi» масъулияти чекланган жамиятини қайта ташкил этиш йўли билан таъсис этилган ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Биржа аввал белгиланган вақт ва белгиланган жойда белгиланган қондалар асосида биржа савдоларини ўтказиш ва тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш йўли билан биржа товарларига талаб ва таклиф асосида нархларни шакллантириш ва биржа товарлари бозорини тартибга солиш мақсадида товар-ҳом ашё биржаси қўринишидаги тижорат ташкилот сифатида, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланиш мақсадида белгиланмаган муддатга яратилган.

1.5. Устав мақсадларига эришиш учун Биржа:

- биржа савдоларини ташкил этади;
- талаб ва таклиф нисбати асосида биржа товарларининг котировкасини (нархни аниқлаш) амалга оширади;
- биржа аъзоларини савдо майдончаларида ва секцияларда биржа савдолари ўтиши вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;
- тузилган биржа битимларни амалга оширилишини таъминлаш учун шароитлар яратади;
- биржа аъзолари ва уларнинг миқдорлари ўртасида ўзаро мажбуриятларни аниқлайди, ва ҳисобга олади (клиринг), ҳамда банкда очилган махсус ҳисоб рақамлар орқали улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни ҳисобга олади;
- Биржа, биржа аъзолари ва уларнинг миқдорларининг пул маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади;
- мунтазам равишда (бир ҳафтада бир маротабадан кам эмас) ўзининг расмий веб-сайтида биржа товарлари котировкасини (нархларини) жойлаштиради, ҳамда биржа аъзоларини ҳар бир биржа савдолари натижалари тўғрисида хабардор қилади;
- Биржа аъзоларига савдо залини тақдим этади, касбий воситачилик фаолияти учун зарур шароитлар яратади;
- савдо фаолияти жараёнида Биржа аъзолари ўртасида вужудга келган низоларни қонунчилик ва Биржанинг ички қондаларига мувофиқ ҳал қилади;
- биржа битимлари тузилишини ва улар бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилишини таъминловчи мутахассисларнинг малакасини ошириши учун зарур шароитлар яратади;
- биржа товарлари ҳаракатланиши инфратузилмаси ривожланишига қўмаклашади;
- қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланади.

1.6. Биржа савдолари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Биржа:

- ўз аъзолари ва бевосита биржа битимлари тузилишига қўмаклашадиган мутахассисларга нисбатан қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқаради ва тасдиқлайди. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;
- янги аъзоларни қабул қилади ва амалдаги қонунчилик, мазкур устав ва Биржанинг ички тартиб қондаларида назарда тутилган ҳолатларда уларни аъзоликдан чиқаради;
- Биржа аъзолари вакилларини савдо сессияларида аккредитациядан ўтказиши;
- биржа сессияларини ташкил этади, биржа савдоси қондаларини ишлаб чиқади ва чоп этади;
- алоҳида товар турлари билан савдога эҳтиёжни аниқлаш ва уни қондириш, улар бўйича битимлар тузиш мақсадида ихтисослаштирилган секцияларни ташкиллаштиради;
- биржа котировкаси варақасига товарларни киритиш ва истисно қилиш қондаларини ишлаб чиқади;
- котировкаловчи. арбитраж, листинг, назорат, малака ва бошқа биржа комиссияларини, маслаҳат ва маълумотномалар бюросини, шу жумладан биржа савдоси учун зарур бўлган, юридик шахс мақомига эга бошқа тузилмаларни ташкиллаштиради;

- Биржада амалиётни амалга оширишда қўлланиладиган ҳужжатларнинг стандарт шаклларини ишлаб чиқади;
 - Биржа ишини таъминлаш учун зарур шўъба ва тобе корхоналарни, филиал ва ваколатхоналарни ташкил қилади;
 - биржа йиғимлари ва кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа тўловлар миқдорини аниқлайди;
 - мазкур устав. Биржа савдоси қоидалари ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун жарима ва пеняларни белгилайди ва ундиради;
 - маслаҳат, маълумотнома ва Биржа фаолияти тавсифидан келиб чиқадиган бошқа турдаги хизматларни кўрсатади;
 - конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланади.
- 1.7. Биржа қуйидагиларга ҳақли эмас:
- бевосита ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воснотачилик фаолиятни амалга ошириш, ҳамда биржа савдоси билан боғлиқ бўлмаган бошқа юридик шахслар акциядори (таъсисчиси) бўлиш, конунчилик билан назарда тутилган вазиятлар бундан истисно;
 - биржа аъзолари ва уларнинг мижозларига тегишли пул маблағларидан ўз манфаатларида фойдаланиш, конунчилик ва биржа савдоси қоидалари билан назарда тутилган вазиятлар бундан истисно;
- 1.8. Акциядорлар Биржа мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
- Биржа ўз акциядорлари ва Биржа аъзолари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.
Биржа аъзолари Биржа мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.
Биржа мажбуриятлари бўйича ундиришни Биржа аъзолари ва уларнинг мижозлари мулкига қаратишга йўл қўйилмайди.
- 1.9. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

2. Биржа аъзолари.

- 2.1. Биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдосида иштирок этиш ва дилер, маркетмейкер ва брокер сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар Биржа аъзолари ҳисобланади.
- 2.2. Биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузадиган биржа аъзоси дилер ҳисобланади. Нарх, талаб ва таклиф даражасини ушлаб туриш учун биржа битимларини тузиш мажбуриятини ўзига олган дилер - маркет-мейкер ҳисобланади.
- Мижоз номидан ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузадиган биржа аъзоси брокер ҳисобланади.
- Битта биржа аъзоси бир вақтнинг узида дилер ва брокер вазифаларини бажариши мумкин.
- Биржа аъзолари биржа савдоларида уларнинг номларидан биржа битимларини тузиш ваколатига эга ходимлари (трейдер) орқали иштирок этишади.
- 2.3. Биржа аъзолигига қабул қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш, аъзоликни тўхтатиш ва бекор қилиш Биржа кенгаши томонидан тасдиқланган “Биржа аъзолари тўғрисида” низом билан белгиланади.
- Биржа аъзоларининг миқдорий таркиби Биржа кенгаши томонидан белгиланади.
- 2.4. Биржа аъзолари томонидан конунчилик, Устав, биржа савдоси қоидаларига риоя қилиниши, ҳамда биржа аъзосига тақдим этилган ҳуқуқлар унинг томонидан амалга оширилиши устидан назорат Бош директор зиммасига юклатилади.

3. Биржа жамғармалари ва қимматли қоғозлари.

- 3.1. Биржа устав ва захира жамғармасига эга.
- Биржа тузилган биржа битимлари ижро этилишини таъминловчи жамғармага эга бўлиши мумкин, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби Биржа кенгаши томонидан белгиланади.
- 3.1.1. Захира жамғармаси Устав жамғармасининг ўн беш фоизи миқдорида шакллантирилади.
- 3.1.2. Захира фонди соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги мажбурий ажратмалар захира фонди белгиланган миқдорга етгунигача қадар соф фойданинг беш фоизи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.
- 3.2. Биржа Устав жамғармаси акциядорлар томонидан сотиб олинган (жойлаштирилган) Биржа акцияларининг номинал қийматидан шаклланади.
- 3.2.1. Биржанинг Устав жамғармаси миқдори 2 500 000 000 (икки миллиард беш юз миллион) сўмни ташкил этади, у 2 500 000 000 (икки миллиард беш юз миллион) дона, ҳар бирининг номинал қиймати бир сўм бўлган оддий акцияларга тақсимланган. Оддий акциялар овоз берувчи ҳисобланади, улар эгасига дивиденд олиш ва Биржани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беришади.
- 3.2.2. Биржа илгари жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда ҳар бирининг номинал қиймати бир сўмлик бўлган 200 000 000 000 (икки юз миллиард) дона, умумий номинал қиймати 200 000 000 000 (икки юз миллиард) сўмлик, оддий акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

3.3. Биржа облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чикаришга хақли. Облигацияларни чикариш, жойлаштириш ва тўлаш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар, Биржа кенгаши томонидан тасдиқланган низомга асосан амалга оширилади.

4. Устав жамғармаси миқдорини ўзгартриш.

Акцияларни жойлаштириш ва айирбошлаш

4.1. Биржа устав жамғармаси қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Биржа устав жамғармасини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Биржа уставига тегишли ўзгартишлар киритиш хақидаги қарорлар Биржа кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан қабул қилинади.

4.2. Биржа Устав жамғармаси акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда акцияларни қайта сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.3. Биржа чикарилаётган акцияларни чекланмаган сонли сармоячилар ўртасида оммавий жойлаштириш йўли билан очик обуна ўтказиши мумкин, ҳамда аввалдан маълум чекланган сармоячилар ўртасида жойлаштириш йўли билан ёпик обуна ўтказиши мумкин.

4.4. Акциялар қуйидаги йўллар билан жойлаштирилиши мумкин:

а) Биржа акция харидорлари билан тегишли шартномалар тузган ҳолда обуна;

б) Биржанинг ўз капитали ҳисобидан молиялаштириш ҳисобига қўшимча акциялар чикариш йўли билан устав жамғармасини оширганда акцияларни бирор бир шартнома тузмаган ҳолда ўз акциядорлари ўртасида тарқатиш;

в) уларга қуйидагиларни айирбошлаш:

- номинал қиймати камроқ бўлган, аввал чикарилган акцияларни (акцияларни йириклаштиришда ёки акциялар номинал қийматини кўпайтириш йўли билан устав жамғармасини оширишда);

- номинал қиймати кўпроқ бўлган, аввал чикарилган акцияларни (акцияларни майдалаштиришда ёки акциялар номинал қийматини камайтириш йўли билан устав жамғармасини камайтиришда);

- қўшиш, бирлаштириш, ажратиш, бўлиш йўли билан қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг акциялари ва (ёки) улушларини.

Акциялар айирбошлаш йўли билан жойлаштирилганда бирор бир шартнома тузилиши талаб этилмайди.

4.5. Акцияларни жойлаштириш усули (очик ёки ёпик обуна) ва нархи қўшимча акциялар чикариш тўғрисида қарор қабул қилган Биржа бошқаруви органи томонидан аниқланади.

4.6. Биржа акциялари ва облигацияларини жойлаштирганда уларга тўлов пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, мулк, ҳамда пул баҳосига эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый) билан амалга оширилади.

Биржа акциялари учун тўлов бошқа акциядорлик жамиятлари акциялари билан амалга оширилиши мумкин эмас.

4.7. Акцияларга айирбошланадиган ва пул маблағлари билан тўланадиган Биржа акциялари ва облигацияларини жойлаштирилганда, акциядорлар - овоз берувчи акциялар эгалари, уларга тегишли акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда ушбу турдаги акцияларни сотиб олишга имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишади.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати оммавий ахборот воситаларида акция ёки облигация сотиб олиш имконияти тўғрисида эълон чоп этилган пайтдан ўттиз календарь кунини ташкил этади.

Имтиёзли ҳуқуқ амал қилиш даври тугаганидан сўнг қолган акция ва облигациялар Биржа томонидан уларни чикариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда сотилади.

4.8. Биржа акциядорлари сони эллиқдан ошмагунча, акциядорлар Биржанинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни учинчи шахсларга таклиф этилаётган нарх ва шартларда ўзларига тегиши акциялар сонига мутаносиб миқдорда сотиб олишга имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишади.

Акцияларини сотаётган акциядор, учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх ва шартларни кўрсатган ҳолда акцияларини сотиш нияти тўғрисида ёзма равишда Биржани хабардор қилиши шарт.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати Биржа акциялар сотишга таклиф этилгани тўғрисида хабар олган кундан бошлаб ун беш кундан кам ва ўттиз кундан ортиқ бўлмаслиги шарт.

Акциялар сотилиши тўғрисида маълумот олинганидан сўнг, Биржа кенгаши уч кунлик муддат ичида акцияларни акциядорлар ёки Биржанинг ўзи сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Акцияларни сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун умумий йиғилиш чақирилиши муддати бузилганда ва акциядор акцияларини маълумотда келтирилган нарх ва шартларда учинчи шахсга сотган тақдирда, акция сотилиши билан келтирилган зарар учун айби билан тегишли қарор қабул қилинмаган шахслар жавобгар бўлишади.

5. Биржа томонидан жойлаштирилган акциялар сотиб олиниши.

5.1. Биржа ўзи жойлаштирган акцияларини учинчи шахсларга сотиш тўғрисида қарор қилган акциядорлардан акцияларни сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқини амалга оширганда, акциядорлар умумий йиғилишининг устав жамғармасини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Биржа кенгашининг қарорига кўра сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Овоз берадиган акциялар уларнинг бозор нархига мувофиқ сотиб олинади.

Акциялар сотиб олганида улар учун тўлов пул маблағлари билан амалга оширилади.

5.2. Қуйидаги ҳолларда, агар акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига қарши овоз берганда, ёхуд ўзрли сабабларга кўра овоз беришда қатнашмаганда, Биржа уларга, овоз бериш акциялари эгаларига, тегишли акцияларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини қайтариб сотиб олиши шарт:

- Биржани қайта ташкил этиш;
- жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш;
- Биржа томонидан мол-мулкни сотиб олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш;
- Биржа уставига уларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш.

Биржа томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш бозор нархида амалга оширилади.

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор киймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт

6. Дивидендлар.

6.1. Дивиденд Биржа соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивидендлар Биржанинг унинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Биржанинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.2. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Биржа кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7. Биржани бошқариш.

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Биржа кенгаши (Кузатув кенгаши) ва ижроия орган – Бош директор Биржани бошқариш органлари деб ҳисобланади.

7.1.1. Акциядорлар умумий йиғилиши.

7.1.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирилмаган муддатда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Биржа кенгашини ва Биржа тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги масала ҳал этилади, йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби тасдиқланади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади.

7.1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Биржа кенгаши томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан ун кундан кам ёки ўттиз кундан ортиқ белгиланиши мумкин эмас.

7.1.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

Биржа уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Биржанинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш (жамият устав капиталини қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли билан қўпайтириш масалалари бундан мустасно);

Биржани қайта ташкил этиш;

Биржани тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Биржа кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Бош директорни сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, унга тўланадиган муқофот ва товонлар миқдорларини аниқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Биржа устав жамғармасини камайитириш;

Ўз акцияларини сотиб олиш;

Биржанинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Биржа тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Биржанинг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини фойда ва зарар ҳисобини тасдиқлаш;

Биржа фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Биржа кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Биржани бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Биржа кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг хулосаларини эшитиш;

Биржа кенгаши аъзоларига мукофот ва (ёки) товон тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Биржа томонидан жойлаштирилган акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган ва пул маблағлари билан тўланадиган Биржанинг эмиссиявий қимматли қоғозларини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш.

Биржанинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилган нарх ва шартларда сотиб олишда, акциядорлар уларни сотиб олишни рад этган тақдирда, имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш (фойдаланмаслик) тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Биржа томонидан йирик битимлар тузиш ва Биржанинг аффилиланган шахслари билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

акцияларни кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қарз олиш ёки бериш, Биржа томонидан бирор бир қарз ёки мажбурият остига кафиллик берилиши, қарзни ўтказиш, талаб этиш ҳуқуқини ўзгага бериш тўғрисида битимларни келишиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кирган масалалар ҳал этиш учун Биржа Бош директорига топширилишига йўл қўйилмайди.

Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кирган масалалар ҳал этиш учун Биржа кенгашига топширилишига йўл қўйилмайди, қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ топширилиши мумкин бўлган масалалар бундан истисно.

7.1.5. Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига акциядорлар - Биржанинг оддий акциялари эгалари эга.

Акциядорлар умумий йиғилишининг овозга қўйилган масала бўйича қарори йиғилншда иштирок этаётган акциядорлар - Биржанинг овоз берувчи акциялари эгаларининг овозларнинг кўпчилиги (оддий кўпчилиги) билан қабул қилинади.

- Биржа уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Биржанинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Биржани қайта ташкил этиш;

- Биржани тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Биржа фойда ва зарарларини тақсимлаш;

- йирик битим тузиш тўғрисида масалалар бўйича қарорлар акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар - овоз берувчи акциялар эгаларининг тўртдан уч қисми кўпчилиги билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, ҳамда овоз бериш натижалари акциядорлар эътиборига қарор қабул қилинган санадан ўттиз кундан кечиктирмай етказилади.

7.1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

7.1.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Биржанинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Биржанинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

7.1.8. Биржа овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Биржа кенгаши ва Биржа тафтишчиси, бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Биржа кенгаши ва тафтишчилигига ўзлари кўрсатган номзодлар руйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Биржа кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ва бунга белгиланган муддат тугаганидан сўнг тўрт кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

7.1.9. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Биржа кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтишчининг ёзма талабига кўра, шунингдек талаб такдим этилган санада Биржа овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

Тафтишчи ёки Биржа овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб такдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Биржа кенгаши томонидан амалга оширилади.

Биржа кенгаши белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Биржанинг маблағлари ҳисобидан копланиши мумкин.

7.1.10. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Биржа кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.1.11. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Биржанинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган тақрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Биржанинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирк фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7.1.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Биржанинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади. Биржа кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.1.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Биржа кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Биржа кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно.

Биржа кенгаши ёки тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенила номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

7.1.14. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади. Баённома, жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам уз ичига олади, ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида уқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

7.1.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ун кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Хар икалла нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш қотиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Биржанинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

7.2. Биржа кенгаши.

7.2.1. Биржа кенгаши Биржанинг корпоратив ва биржа фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Биржа устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.2.2. Биржа кенгаши ваколатларига қуйидагилар қиради:

А) корпоратив бошқарув соҳасида:

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш,

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Биржа акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Биржа устав капиталини қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли билан ошириш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган қарорларни тасдиқлаш, шу жумладан қўшимча акциялар жойлаштирилгандан сўнг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Биржанинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Биржа уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ёки Биржа уставини янги таҳрирда тасдиқлаш масалаларини акциядорлар умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритиш (Биржа устав капиталини қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли билан ошириш, қўшимча акциялар жойлаштирилгандан сўнг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Биржанинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш бундан мустасно);

белгиланган тартибда мол-мулкнинг бозор нархини аниқлашни ташкиллаштириш;

Биржанинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш

Биржанинг тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Биржанинг захира жамғармасидан ва тузилган биржа битимлар ижросини таъминлаш жамғармасидан фойдаланиш;

Биржанинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

йирик битимлар тузиш ва манфаати мавжуд бўлган битимларни ўз ваколатлари доирасида тузиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Биржа томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Б) Биржа фаолияти доирасида:

Биржа ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаш;

Биржа савдоси қоидаларини тасдиқлаш;

Биржа аъзоларига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиш ва бекор қилиш тартибини тасдиқлаш;

Биржа фаолияти устидан назорат олиб бориш;

Биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдорини ва уларни ундириш тартибини тасдиқлаш;

Аъзолик бадаллари миқдорини ва Биржа томонидан тақдим этилаётган хизматлар учун тўлов миқдорини аниқлаш;

Тузилган биржа битимларининг ижросини таъминлаш жамғармасини шакллантириш ва жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш.

Биржа кенгаши унинг ваколатига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланишга ҳақли ва қонунчилик ва Биржа уставига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин.

Биржа кенгаши ваколатларига қирадиган масалалар Бош директор томонидан ҳал этилишига берилиши мумкин эмас.

7.2.3. Биржа кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Биржада меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар Биржа кенгаши аъзоси бўла олмайди.

Биржа кенгашига сайланаётган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Биржа кенгашининг миқдорий таркиби беш кишидан иборат.

Биржа кенгашига аъзолар кумулятив овоз бериш йўли билан сайланади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Биржа кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлик беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Биржа кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан Биржа кенгаши аъзоларига улар томонидан ўз вазифаларини ижро этган даврида, Биржа кенгаши аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган, рағбатлар тўланиши ва/ёки уларнинг харажатлари қопланиши мумкин. Бундай рағбат тўловлари ва харажатларни қоплаш миқдори акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

7.2.4. Биржа кенгашининг раиси, Биржа кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кенгаш аъзолари томонидан сайланади.

Биржа кенгашининг раиси унинг иштини ташкил этади, Биржа кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Биржа кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бир амалга оширади.

7.2.5. Биржа кенгашининг мажлиси унинг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Биржа кенгаши аъзоси, тафтишчисининг, Бош директор талабига кўра чақирилади.

Биржа кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Биржа кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Биржа кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Биржа кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

- йирик битим тузиш ва аффилиланган шахс билан битим тузиш;

- акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқариш масалалари, ҳамда сиртдан овоз бериш (сўров йўли билан) қарор қабул қилинган барча масалалар бўйича қарорлар бир овоздан қабул қилинади.

7.2.6. Биржа кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ун кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Биржа кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Биржа кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Биржа кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Бош директорга ижро этиш учун топширилади. Биржа кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Бош директорга мажлис ўтказиладиган куни топширилади.

7.3. Биржа Бош директори.

7.3.1. Биржа фаолияти устидан жорий раҳбарликни Бош директор амалга оширади.

Бош директор ваколатига жамиятнинг қундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Биржа кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Бош директор акциядорлар умумий йиғилишининг ва Биржа кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Бош директорни тайинлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд Биржа кенгашининг қарорига кўра, қоида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

Бош директор акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра уч йил муддатга сайланади.

7.3.2. Бош директор ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик, мазкур устав, Биржанинг ички ҳужжатлари ва меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Бош директор Биржа уставини қўпол бузган ёки уз харақатлари (харақатсизлиги) билан Биржага зарар келтирган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилиши ва Биржа кенгаши у билан меҳнат шартномани муддатдан олдин бекор қилишга ҳақли.

7.3.3. Биржа фаолиятини бошқариш бўйича алоҳида ваколатларни Бош директор уларни ижроси учун қонунчилик, устав, ва у билан тузилган шартнома билан белгиланган жавобгарликни ўз зиммасига олган бошқа мансабдор шахсга бериши мумкин.

Мазкур ваколатлар Бош директор буйруқлари асосида, шу жумладан Бош директор меҳнат таътилида бўлган даврда, ҳамда бошқа сабабларга кўра у вақтинча йўқлигида ўтказилади.

7.3.4. Бош директор ҳуқуқлари:

Биржа номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилот ва органлар билан муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Биржа пул маблағларини тасарруф қилади, унинг номидан битимлар тузади, шу жумладан нархи Биржанинг соф активлари қийматининг ўн беш фоизигача бўлган мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ битимлар тузади;

шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади;

ишончномалар беради;

банкда ҳисоб рақамларни очади;

жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

штатларни тасдиқлайди, уларни тўлдиради;

Биржада меҳнат муносабатларни тартибга солишчи ҳужжатларни, ходимларнинг лавозим мажбуриятларни ва меҳнат йўриқномаларини, меҳнатнинг хавфсиз шароитларини таъминловчи йўриқнома ва низомларни, ёнғинга қарши ва санитария талабларини тасдиқлайди;

ташқил этилаётган ташкилотлар уставларини, ваколатхона ва филиаллар низомларини тасдиқлайди, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва ишдан бўшатади;

7.3.5. Бош директор қуйидагиларни таъминлаши мажбур:

ўз ваколатлари доирасида Биржанинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни, унинг самарали ва мустаҳкам ишини;

биржа савдоларини тайёрлаш ва ўтказишда, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда иштирок этувчи таркибий бўлинмалар, филиал ва хизматларнинг самарали ўзаро ҳаракатланишини ташкиллаштиришни;

Биржанинг шартномавий мажбуриятларининг ижросини;

Биржанинг йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ишлаб чиқиши устидан раҳбарликни, ижроси устидан назоратни;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, йиллик ҳисобот ўз вақтида акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этилишини, статистика ва солиқ ҳисоботлар тегишли органларга топширилишини, ҳамда акциядорлар, кредиторлар ва бошқа маълумот олувчиларга жўнатилган маълумотлар тегишли аҳволда ва ҳаққоний бўлишини ташқил этишни таъминлаши шарт.

Бош директор Биржа йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини бажарилиши тўғрисида чорақлар кесимида Биржа кенгашига ҳисобот беради;

Ўз вақтида ходимларга иш хақи, солиқ, йиғим ва давлат бюджетита ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўланишини таъминлайди;

Биржа тижорат сирини ҳисобланган маълумотлар, тузилган битимлар тўғрисида маълумотларнинг махфийлигини сақлайди (биржа товари номи, микдори, котировкаси (нархи), биржа битами тузилган сана бундан истисно). Биржа тижорат сирини ташқил этувчи маълумотлар рўйхати Биржа кенгаши томонидан белгиланади.

Биржани малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг билим, малакаси, тажрибаси ва куникмаларидан оқилона фойдаланиш бўйича чоралар кўради;

меҳнат ва технологик интизомни;

ходимларнинг ижтимоий қоғолатлари ва меҳнат муҳофазаси қоғодаларига риоя қилишни;

жамоавий музокараларда иштирок этади, Жамоавий шартнома ва келишувлар тузилганда, иш берувчи сифатида иш кўради. Жамоавий шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини;

Биржа ходимлари ва аъзолари томонидан қонунчилик ва ички ҳужжатларга риоя қилишни таъминлайди.

8. Йирик битим.

8.1. Биржа томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, қафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Биржа соф активлари микдорининг ўн беш фоизидан ортигини ташқил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик ҳужалиқ фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

8.2. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Биржа соф активлари микдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташқил этувчи мол-мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Биржа кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Биржа кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Биржа соф активлари микдорининг эллик фоизидан ортигини ташқил этувчи мол-мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки қузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташқилот томонидан белгиланган

бозор киймати ҳисобга олинган, мустақил ташки аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади

9. Аффилланган шахслар билан битим.

9.1. Биржа битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур Биржага нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

Куйидагилар Биржанинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

- 1) Биржанинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;
- 2) Биржанинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;
- 3) Биржа кенгашининг аъзоси, Бош директор ва унинг ўринбосарлари;
- 4) Биржа қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, уша юридик шахс;
- 5) Биржанинг шўба хўжалик жамияти бўлган ёки Биржа қайси жамиятнинг шўба хўжалик жамияти бўлса, уша жамиятнинг шўба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;
- 6) Биржа устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айна бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, уша юридик шахс;
- 7) Биржа кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этувчи айна бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этса, уша юридик шахс;
- 8) Биржа Бош директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айна бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, уша юридик шахс;
- 9) яқин қариндошлари билан биргаликда Биржа кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, уша юридик шахс;
- 10) Биржа Бош директорининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этса, уша юридик шахс;

11) Биржа билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Куйидагилар Биржанинг аффилланган шахси бўлган акциядор — жисмоний шахснинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

- 1) ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, уша юридик шахс;
- 2) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса уша юридик шахс;
- 3) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, уша юридик шахс.

9.2. Аффилланган шахс Биржа билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Биржани хабардор этиши шарт.

Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари ҳамда қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Биржа йиллик ҳисоботининг бир қисми бўлади.

9.3. Биржанинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот Бош директор ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ёзма билдириш олинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ўрганилади.

Аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади (ички аудит хизмати мавжуд бўлмаганда, билдиришнома билан) ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг Биржа фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши керак.

9.4. Бош директор Биржа кенгашини аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

Биржа кенгаши аффилланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилланган шахснинг ёзма билдириши келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

Агар Биржа кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор ушбу қонунчилик ва устав билан белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Биржанинг аффилланган шахси Биржа кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Агар аффилиланган шахс билан тузилаётган битим айти бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига йирик битим тузишга дойр қондатар қўлланилади.

Биржа кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида Биржа томонидан қондатар ҳужжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.5. Биржанинг ўн фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядор аффилиланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Биржага зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, уша битимни тузишга дойир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга дойир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда. Биржа суднинг қарори қонуний қучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жато этишга дойир харажатларининг урнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан қўл булмаган миқдорда қоплаши шарт.

10. Хисоб ва ҳисобот. Биржа ҳужжатлари.

10.1. Биржа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Биржанинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкрий манфаатлари Биржа ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Биржанинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг Биржа кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Биржа Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

10.2. Биржа сақлаши мажбур бўлган ҳужжатлар:

Биржанинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Биржани ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Биржа давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

Биржанинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни; акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Биржанинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланган ҳужжатларни;

Биржанинг филиаллари ёки ваколатхоналари ҳақидаги низомларни;

Биржанинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига дойир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

акциядорлар умумий йиғилишларининг, Биржа кенгаши мажлисларининг баённомаларини, Бош директорининг буйруқларини;

Биржанинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

Биржа акциядорларининг реестрларини;

тафтишчи, аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини;

биржа савдолари қоидаларини;

тузилган битимларни ҳисобга олиш регистрларини сақлаши шарт.

Биржа қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

10.3. Биржа устав билан назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига дойир ҳужжатлар, Бош директорининг буйруқлари ва Биржа акциядорларининг реестри мустасно.

10.4. Биржа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда узи тўғрисидаги ахборотни ошқор қилишни амалга ошириши шарт.

11. Тафтиш ва аудит.

11.1. Биржанинг молия-ҳужжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга битта тафтишчи сайланади.

Биржа тафтишчиси фаолияти тартиби, унга дойир малака талаблари, туланадиган муқофот миқдори акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс тафтишчиликка кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Тафтишчининг ёзма талабига қура Бош директор ва Биржа мансабдор шахслари Биржанинг молия-ҳужжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Биржанинг молия-хужалик фаолиятини текшириш тафтишчининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Биржа кенгашининг ташаббусига кўра ёки Биржа овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Биржа кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

Биржанинг молия-хужалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтишчи хулоса тузади, бу хулосада: Биржанинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига дойир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтишчи Биржада аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Биржа ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга дойир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Биржа кенгашининг мажлисига олиб чиқади, ушбу хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.2. Аудиторлик ташкилоти Биржа билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Биржа молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

12. Биржани қайта ташкиллаштириш ва тугатиш.

12.1. Биржани қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартриш шаклида амалга оширилади.

Биржани қайта ташкиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан ўттиз кундан кечиктирмай. Биржа ёзма равишда бу ҳақида кредиторларини хабардор қилади. Кредитор Биржадан мажбуриятларини тутатишни ёки муддатдан аввал бажаришни ва зарарларни қоплашни ёзма равишда:

кредиторга қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартриш йўли билан қайта ташкиллаштирилиши тўғрисида хабарнома юборилган санадан ўттиз кундан кечиктирмай;

кредиторга бўлиш ёки ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкиллаштирилиши тўғрисида хабарнома юборилган санадан олти кундан кечиктирмай талаб қилишга ҳақли.

12.2. Биржа тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Биржа фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Биржани тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 53-56 моддаларига асосан амалга оширилади.

Биржа ихтиёрий равишда тутатилган тақдирда, Биржа кенгаши Биржани тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Биржа суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатувчи тайинланган пайтдан Биржа ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

12.3. Тугатувчи Биржанинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради, кредиторларни аниқлаш ва дебитор қарздорликни олиш бўйича чоралар кўради, ҳамда кредиторларга тугатилиш тўғрисида ёзма равишда хабарнома жўнатади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин Биржанинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда Биржанинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тулик тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

12.4. Агар Биржа банкрот деб эълон қилинса, биржа аъзолари ва уларнинг мижозларининг Биржа ҳисоб варақларида бўлган мулки тугатиш массасига қўшилмайди ва биржа аъзолари ва уларнинг мижозлари биржа битими бўйича ўз мажбуриятларини бажарганларидан сўнг, уларга қайтариб берилади.

13. Якуний қондалар.

13.1. Агар ушбу устав қондаларидан бири бекор қилинган бўлса, бу қолган қондаларга дахл этмайди. Бекор қилинган қоида ҳуқуқий жиҳатдан мақбул ва маъно жиҳатидан яқин бўлган бошқа қоида билан алмаштирилади.

13.2. Мазкур уставда ёритилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва Биржа бошқарув органлари фаолияти тўғрисида низомлар билан тартибга солинади.

«Respublika ko'p tarmoqli agrosanoat birjasi»
aksiyadorlik jamiyati
Бош директори

Т.Ш. Валитов